

Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqq boshlagan

№ 94 (7.087). Sotuvda erkin narxda

Куннинг муҳим воқеалари

- Мамлакатимизда мехмон бўлиб турган Корея Республикаси Миллий Ассамблеясининг (парламент) Миллий сиёсат масалалари қўмитаси раиси Бёнг Сог Пак раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Э.Халилов билан учрашди.
- Ҳар йили август ойининг илк ҳафтасида нишонланадиган "Маҳалла кун" муносабати билан Оролбўйидаги 347 маҳалла ўртасида ўтказилган "Намунали маҳалла маслаҳатчиси", "Маҳалла жонкуяри" ва "Ибратли оқсоқол" кўрик-танловининг Қорақалпоғистон босқичи якунланди.
- Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги Йиқ-Ота хўжалигида имконияти чекланган болаларнинг "Мафтункор ранглар дунёси" мавзудаги ўн биринчи халқаро кўрик-танлови очилди.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият курилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунийлик асосларини ислох қилиш бўйича Кенгаши қошида таъсис этилган "Фуқаролик жамияти" - "Гражданское общество" - "Civil society" умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий журналининг 2006 йилдаги 2-сонини нашрдан чиқди.
- "Экосан" халқаро экология ва саломатлик ташкилотиди бўлиб ўтган учрашувда Оролбўйида бўлиб кайтган навбатдаги саломатлик поезде иш натижалари муҳокама қилинди.
- Навоий вилоятида қўшма корхоналар сонини биттага кўпайди. Қизилтепа туманида «Малабар-СИЛК» Ўзбекистон - Бирлашган Араб Амириклари қўшма корхонаси ташкил этилди.
- "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Қорақалпоғистон кенгаши ўзининг www.kamolot.tk сайтини очди.



Фарғона шаҳридаги "Топодис" Россия - Ўзбекистон қўшма корхонаси беш йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. Бугунги кунда корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган автомобил дискарининг 70 фоизи хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда.
СУРАТДА: сазловчи Раимберди Зокиров.
Б.АКРАМОВ олган сурат.

Августдаги зарбдор меҳнат - пахтадан юқори ҳосил олиш гарови

Экин билан тиллашган ютади

Буни вобкентлик дехқонлар ўз иш тажрибала-рида синаб кўришган. Улар ҳар йили август ойи-да гўза парваришига алоҳида эътибор қаратиб, астойдил меҳнат қилишади. Ҳосилга ҳосил кўшиш учун агротехник тадбирларни бекам-кўст амалга оширишади. Шунинг учун ҳам туманда пахта тай-ёрлаш режаси кейинги йилларда уддаланиб ке-линапти. Бу йил ҳам вобкентликлар асад ойда ҳар туп гўзада камида 5-6 тадан бўлиқ кўсақ ҳосил қилиш учун кунни тунга улаб, тинимсиз ҳаракат қилишапти.

Биз "Ибодбобо Достон", "Аҳтам Азамат", "Саломов Жамол" фермер хўжаликлариди ҳам ҳосилга ҳосил кўшиш йўлида сидқидилдан меҳнат қилинаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Яна бир диққатга молик жиҳат шундаки, Бухорода кўпчилик ўзини ҳосил тақдирига масъул деб билапти. Биз дехқонга хиз-мат кўрсатувчи турли тар-моқлари ҳам назарда тута-ялмиз, албатта. Дейлик, био-логик усулни олиб кўрайлик.

Бугун "Фурқат Саидобод" фермер хўжалиги далалари-да бўлсангиз кўнглингиз рав-шан тартади: гўза бўйи теп-текис, кўсақлар шигил-ши-гил, ҳосил нишонларини санаб ҳисобдан адашасиз. Айти дамда шу фермер хўжалиги раҳбари бўлган Гиёс ақанинг кайфияти чоғ.
- Ҳозирдаёқ даламизда гектаридан 37-38 центнердан ҳосил тўплаб кўйдик, - дей-ди у ишонч билан. - Мана ўзингиз шохидсиз. Ҳар тупда тўқ кўсақнинг ўзи ўн тадан ошиб қолди.
- Гўзани шундай ҳолатга келтиришнинг ўзи бўлмайди. Шундай эмасми? - дея суҳ-батга тартади фермерни.
- Йигирма бир гектар май-

донда пахта етиштираяпмиз, - дейди у. - Бултур ҳар гек-тар ердан 77 центнердан ҳосил олгандик. Биласизми, биз имкон қадар эртанги пах-та етиштириш пайида бўла-миз. Бу йил 10 июлдан то 20 июлгача гўза чеканчасини ўтказиб бўлдик. Биз одатда шу мuddатга қадар гўзанинг баравж ўсиши чораларини кўраемиз. Сугоришни шарбат усулида амалга ошираемиз. Гўзани сув, ўғит ва парвариш-дан қисмасангиз ютук сизни-ки. Биз хотиржамликка берил-ганимиз йўқ. Чунки август-нинг ҳар дами ганимат. Пар-варишни жадал давом эттира-япмиз. Бизнинг тилда август-ни "ҳосил оладиган давр", деб бежиз айтишмайди.

Истам ИБРОХИМОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Гўза гулинмас, "кўз ёши"ни тўқади

Бу гапни Ёқуб Норовдан эшитиб ҳай-рон бўлдик.

-Вақтида сугорилмай, ишловдан қолиб, бўғзи қотиб ётган гўзаларни кўрганмисиз? - дея изох беради Қасби туманидаги "Гийсова Шарофат" фермер хўжалиги раҳбари Ёқуб ака.

- Жилла курса гўза остида тўқилиб ётган гулу ҳосил тугунчаларига эътибор бергандир-сиз. Дехқонлар буни "гўза гул тўқди" дейди. Йўқ, бундай ҳолларда гўзалар гулини эмас, кўз ёшини тўқади.

Хал қилувчи ой августда бепарво бўлсақ, гўзанинг буй-баста, кўкига ишониб юравер-сак, гўза кўз ёш тўқади, йиғлайди.

Август - дехқоннинг дехқонлигини, тажри-басини, маҳоратини кўрсатадиган ой. Ана шу пайтда гўзасини "Йиғлатиб" қўйган дехқон кў-да ўзи ҳам мулзам бўлиб, ер чизиб қолиши тайин. 40 гектарлик пахтазоримдаги ҳар туп гўзада ҳозир 10-14 та бўлиқ кўсақ бор. Бу хали мен кўзлаган 45 центнерлик ҳосил дегани эмас.

(Давоми 2-бетда)

IV Стратегия Мустақил Ўзбекистон тарихида 1994 - 1995 йиллар стратегик аҳамиятга эга давр бўлди. 1994 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг



Истиқлол - бахтим, саодатим...

Фармонига биноан "Мирзо Улугбек йили" деб эълон қилинди. Бу халқ ўз томир-ларини ўрганишга киришган-нинг бир исботи эди. Агар теурийлардан Захириддин Муҳаммад Бобур ке-йинчалик шох ва шоир тушун-чаларини бир шахсда мужас-самлаштирган бўлса, Мирзо

Улугбек ундан бир асра ил-гари ўзида шох ва олимлик салоҳиятини юксак даражада уйғунаштирган эди. Алишер Навоий "Фарҳод ва Ширин"-да Хусайн Бойқаронинг ўғли Абулфаворис Шохғариб Ба-ҳодирга насиҳат битар экан, айнан ҳукмдор илми бўли-ши кераклигини уқтириб,

шаҳзодаларга бобоси Мирзо Улугбекни намуна қилиб кел-тиради. Унинг жисмидан асар ҳам қолмади, дейди шоир, лекин илмининг зўридан унинг олдида осмон паст бўлди, энди қиёматга қадар олимлар унинг ҳўкима суя-ниб, китоб ёзади: (Давоми 4-бетда)

- Наврўз байрами арафа-сида туман ҳокимиятига ча-қириб, «Сизга мана бит-та соғин сигир, олиб кетинг, соғиб, сутини болаларингиз-га ичириш», дейишганда, тўғриси, аввалига ишонма-дим, - дейди пастдарғомлик Сайёра Равшанова.

- Ахир қим ҳам менга текинга сигир берарди. Шу ёшга кириб бунақа ҳиммат-ни кўрмаганман ҳам, эшитмаганман ҳам. Тўрт нафар фарзандим бор, улардан бири ногирон. Қўлимиз калталик қил-гани учун сигир сотиб олишга имкони-ятимиз бўлмаган. Кейин катталар Юрт-бошимизнинг Фармони билан, у киши-нинг халққа кўрсатаётган эътибори ту-файли менга ўхшаган кам таъминлан-ган оилаларга бепул соғин сигир бери-лаётганини тушунтиришди.

Кечкурун сигирни соғиб, сутини пи-шириб болаларимга бердим. Анчадан буён оқил кўрмаган фарзандларимнинг сутини ниҳоятда иштаха ва иштиёқ билан ичаётганини кўриб, ўпкам тўлиб йи-ғлаб юбордим. Кейин биз каби инсонларни ёдга ол-ган, отамиздек меҳрибонлик қилган Юртбошимизни алқаб-алқаб дуолар қилдим. Болаларим катта бўлганда, "сен-лар Президент берган сигирнинг сутини ичиб, мойини еб, илкларинг тўлган" деб, айтиб юраман.

Халқимиз азалдан хайр-саховатга, ҳимматга, оғиздаги еяётган бир бурда нонини ҳам муҳтожларга илинишга одатланган. Ушбу азалий қадриятлари-миз ҳукмат даражасида амалга ошири-лаётганига фақат тасаннолар айтиш мум-кин.

Юртбошимиз ташаббуси билан 2006 йил "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилинди. Ўзига тўқ, ҳиммат-ли фуқароларимиз имкониятла-ри дара-

Ҳиммат

жасида мак-саларга хомийлик ёрдами кўрсатиша-тир. Бу йил халқимизга, айниқса, кам таъ-минланган оилаларга энг катта хомий-лик ёрдами кўрсатишни, уларнинг иж-тимоий муҳофазасига эътибор қилиш та-шаббусини ҳуқуматимиз ўз зиммасига олди, десам янглишмаган бўламан. Ўзбекистон Республикаси Президен-

нинг "Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фер-мер хўжаликлариди чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори аҳолининг ижтимоий муҳофазасига қара-тилган оламшумул, тарихий воқеа бўлди. Очигини айтиш керак, ниҳоятда кенг долзарб масалалар ечимига қалит бўла оладиган, катта ижтимоий-иқтисодий ва-зифаларни қамраб олган ва

аҳоли томонидан ниҳоятда мамнуният билан кутиб олинганди. - Кам таъминланган оилаларга бепул сигир тарқатаётганимизда, улардаги ҳаёқон, хурсандчилиги миннатдорчили-гини кўриб, юрагингиз халқиб кета-ди, - дейди Самарқанд вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг бошлиғи Фаҳрид-дин Фазлиев. (Давоми 2-бетда)

Шартлашдингми, лафзингда тур

Жорий йилда ҳам эл-юртимиз хирмони донга, кўнгиларимиз кувонча тўлди. Гал-лакор дехқонларимиз нималарга қодир эканлигини кўрсатишди. Бундай улкан ютуқ замирида катта меҳнат, фидокорлик ва ши-жоат бор. Шу билан бирга, дон етиштириш бўйича шартнома тузиб, унинг шартларини уддалаёлмай ер чизиб қолган фермер хўжа-ликлари ҳам бор. Фалвир сувдан кўтарилганда, қутилган ҳосилни ололма-ган фермерлар айбони ўзларидан ахтарсалар яхши бўларди. Чунки текширишларда биринчи навбатда шартнома шар-тларини ба-жармаган фер-мерларнинг кўпчилиги аг-ротехник тад-бирларни ўз вақтида ўтказ-маганлиги ёки минерал ўғитлардан ўз ўрнида фойдаланмаганлиги аён бўлди. Масалан, Фарғона вилоятининг Богдо думанидаги "Азиз-бек Муҳаммаджонов" номли фермер хўжалиги раҳбари М.Хайдаров режадагига нисбатан галлани 5,3 гектар, пахта-ни 7,6 гектар кам экиб, бу ерларга шולי уруғи қадаган. Галла учун олинган 859 минг сўмлик минерал ўғитларни эса шולי парвариши учун ишлашиб юборган. Оқибатда режага нисбатан 44,7 тонна дон кам топширган. Республика бўйича 2006 йил ҳосили учун 9694 та қишлоқ хўжалик корхоналари давлатга дон топшириш бўйича шарт-номавий режаларни бажармаган. Шу боис умумий хирмон салмоғи 166 минг тоннага камайган. (Давоми 2-бетда)

АВТОТРАНСПОРТ - КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА!

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ВАЖИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ. РАСМЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ - AVTODOM PLUS

"ГАЗ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт - 1,5-4,5 тоннали юк машиналари, 3-7 ўринлиқли, 0,8 тонна юк кўтарилган фурголар, 6-15 ўринлиқли микроавтобуслари сотади. Ҳақ тўлаш истаган усулда!

700015, Тошкент, Шахрисабз кўчаси, 16А-уй. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62. Тежор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Маҳсулотлар сертификатланган

Дунё саҳнасида



Пхеньянинг қалтис қарори

10 июлдан буён Шимолий Кореяда тинимсиз ёғайтган ёғир оқибатида юзга келган сув тошқини 20 мингта яқин одамни қурбон этган бўлиши мумкин.

Жанубий Кореянинг Good Friend инсонпарварлик ташкилоти шундай тахминга бормоқда. Маҳаллий ахборот воситалари тарқатган хабарларга кўра, мамлакат жанубида юз берган қули сув тошқини охириги юз йил ичида кузатилмаган ва табиий офат ҳолатида одамларни ҳалок этган. 60 мингдан зиёд аҳоли бошпана ва озиқ-овқатсиз қолган. Пхеньян БМТ таклиф қилган озиқ-овқат инсонпарварлик ёрдами раҳмати рад этмоқда. Расмийларнинг таъкидлашича, Шимолий Корея офатларни мустақил ўзи бартараф эта олади. Хукуматнинг ана шундай қарори 1990 йил 2,5 миллион аҳолининг очликдан ҳалок бўлишига олиб келганди.

Янги номзод

Украина президенти Виктор Ющенко Парламент — Олий Радага мамлакат бош вазири номзодини киритди.

Ющенко Регионал партияс раҳбари ва собиқ президент Виктор Януковични ҳукумат бошлиги лавозимига лойиқ кўрди. Украинада ҳукуматни ташкил этиш муаммолари бир неча ойдан буён давом этиб келмоқда эди. Агар президент охириги мuddат - 2 августга қадар бош вазири номзодини тақдим этмаганда парламент тарқатиб юбориларди. Бундай вазиятда мутахассислар фикрича, мамлакатда сиёсий инқироз юзга келиб, парокандалик бошланиб кетиши мумкин эди.



Украина президенти Виктор Ющенко Парламент — Олий Радага мамлакат бош вазири номзодини киритди.

Жанг тўхтамаяпти, музокаралар эса...

Ливаннинг "Хизбуллоҳ" жангчилари Исроил ҳудудига қарата 220 дан зиёд турли масофага учувчи ракета отган.



Исроилнинг энг узоқ ҳудудлари ҳам нишонга олинганлиги айтилмоқда. Бу Исроил Ливанга ҳужум бошлаганидан буён амалга оширилган энг кўп сонли ракета ҳужумидир. Ҳужумлар оқибатида ҳалок бўлганлар бор. Исроил ҳаво кучлари 3 августга ўтар кечаси Ливаннинг 70 дан зиёд нуқтасига зарба берган. Айни дамда Ливан ҳудудига 8000 нафар исроиллик аскар ҳаракат қилмоқда. Зўравонликларга барҳам бериш тўғрисидаги халқаро жамият талабига Исроил бош вазири Эхуд Ольмерт Ливанга халқаро кучлар сафарбар этилгунга қадар жанг давом этади, дея жавоб берди. БМТ халқаро кучларининг Ливанга юборилиши ҳақидаги музокараларда эса ҳамон бир тўхтама қелинаётгани йўқ.

Таиланддаги хунрезлик

Таиланднинг жануби ҳудудидagi сайёҳлик провинцияларида бир неча кўпуровчиликлар содир этилди.

Наратхиват, Литтони, Сонгхуа ва Яла провинциясида бир куннинг ўзида юздан ортиқ терактлар серияси амалга оширилган. Шунингдек, жангарилар бир неча автомобил ва дўконларга ўт қўйиб юборишган. Кўпуровчиликлар оқибатида уч нафар полиция ходими ва бир нафар тинч аҳоли вакили ҳалок бўлган. Маҳаллий полиция тахминига кўра, ушбу террорчилик ақллари Таиланд айирмачи муслмон гуруҳлари амалга оширган. Улар ҳукуматга қарши зарба беришни кўзлаган бўлиши мумкин.

ЖАРда қор ёғди

Жанубий Африка Республикасида табиатнинг ажойиб ҳодисаси юз берди.



Республиканинг Йоханнесбург шаҳрида 25 сантиметр қалинликда қор ёғди. Бундан ярим аср аввал ушбу ҳудудда шундай ҳол кузатишган эди. Аммо ушунда бу сафарги каби кўп қор ёғмаганди. Шунингдек, республиканинг бир қанча шаҳарларида ҳаво ҳарорати совиб кетган. Метеорология хизматининг маълум қилишича, ЖАРда ушбу мавсумда яна бир неча бор қор ёғиши кузатилиши мумкин.

Жаҳолат қурбони

Ироқда АҚШ бошчилигида бошланган жангларда ҳалок бўлган журналистлар сонини 100 нафарга етди.

"Чегара билмас репортёрлар" халқаро ташкилати шу ҳақда хабар қилади. Ташкилот маълумотида кўра, ҳалок бўлган журналистларнинг юздинчи деб Эроннинг "Ал-Алам" телеканали мухбири Абдул Назий Мансур топилган. 20 ёшли мухбир Багдод шаҳрида ўғирлаб кетилган ва ваҳшийларча ўлдирилган. Ташкилот мутахассислари яна шуни таъкидлашмоқдаки, Ироқда келаятган жанглар ОАВ ходимлари учун Иккинчи жаҳон урушидан кейинги хавфли жоғролар ўчоғига айланган.

INTERNET хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.

(Боши 1-бетда)

Сахий ва муруватли ҳомийлар, қорхоналар ва бошқа жамғармалар ҳисобидан кам таъминланган оилаларга 2465 та сигир тарқатди. Демак, шунча оила сигирли бўлди. Шунча оилаларда кувонч. Инсонларга эътибор бундан ортиқ бўлмайди. Молли уй - мойли уй, дейди халқимиз. Энди шунча оиланинг фарзандлари сут ичади, сариёғ, қаймоқ ейди. Соғлом бўлади. Лекин, энг асосийси, ҳозирги кунда бироз моддий қийинчилик бўлган пайтда берилган, бу ёрдамни улар ҳеч қачон унутмайди.

Ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти ниҳоятда тeран. Чунки ушбу қарор қуйидаги ўта муҳим ва аниқ вазифаларни белгилаб, уларнинг ечимини таъминлайди.

Биринчидан, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжаликлари сонини ошириш учун зарур бўлган иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларни яратиш ҳисобига қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш ва оилалар даромадини кўпайтириш.

Иккинчидан, йирик қорамол етиштириш ва шахсий деҳқон ҳўжаликларида етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан самарали бандлик учун шароитлар яратиш, бунда бандликнинг ушбу шакли оилаларга реал даромадлар келтириши кўзда тутилмоқда.

Учинчидан, йирик қорамол етиштириш билан банд бўлган фуқароларга пенсия таъминоти ҳуқуқини яратиш бериш, яъни қўрсатилган фаолият тури билан бандлик даврларини кeсаяйганда нафақа тайинлаш учун иш стажига қўшиш орқали ижтимоий ҳимояланганини таъминлаш.

Туртинчидан, зооветеринария хизматларини кенгайтириш, чорвачилик маҳсулотларини сотиш ва йирик қорамолларни сўйиш пунктларини ривожлантириш, омихта ер сотиш пунктларининг сонини 5 маротаба ошириш орқали, омихта емлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, умуман, юқори самарадорлиқни таъминлайдиган замонавий инфратузилмани ривожлантириш.

Бешинчидан, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга хайрия асоси-

да уларнинг пулли ва натурал даромадлари манбаи бўладиган битта сигир бериш орқали ижтимоий ҳимояланганини кучайтириш ва шу асосда кўп болали ҳамда кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини оқсилга бой озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш.

Олтинчидан эса оилаларнинг, биринчи навбатда, кам таъминланган оилаларнинг йи-

маҳаллалар ролининг оширилишини жамиятни демократлаштириш сари олиб борилаётган тадбирларнинг яна бири сифатида баҳолаш мумкин.

Президентимизнинг ушбу қарорининг яна бир аҳамияти томонини аҳолини, айниқса, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш ва шу асосда оилалар даромадини оширишнинг муҳим омилли сифатида чорва моллари, энг аввало, қорамол боқайтган деҳқон ҳўжаликлари сони-

даги мавжуд меҳнат дафтарчаларига меҳнат фаолиятини бошлаганларга тўғрисида ёзувлар киритилди.

Шунингдек, ушбу қарорда чорвачилик билан шугулланаётганларни омихта ер ва ширали озуқа билан таъминлаш масалалари ҳам кўзда тутилган. Туман марказлари ва йирик аҳоли пунктларида омихта ер ва бошқа озуқаларни сотишни ташкил қилиш мақсадида иختисослаштирилган савдо шохобчаларини ташкил этиш учун зарур омборхоналарни

ҲИММАТ

ажратиби бериш масаласи ҳам белгиланган.

Мамлакатимизда наслчиликни, хусусан, зотдор, сeрмаҳсул молларни кўпайтириш учун ҳам кенг имкониятлар очилмоқда. Хусусан, мазкур қарор билан 2010 йилгача бўлган даврда наслчилик-чорвачилик қорхоналари ва ҳўжаликлари наслчилик чорвачилигини ривожлантириш учун республикага олиб келинадиган наслчилик материалли, технология ва ёрдамчи ускуналарга бож тўловларидан озод қилинган. Улар фақат божхона расмийлаштируви йиғинларини тўлайдилар, холос.

Умуман олганда, Президентимизнинг мазкур қарори шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжаликларининг чорва молларини кўпайтириш орқали оила фаровонлигини ошириш, ишсизликни камайтириш, бандлик муаммосини ҳал қилиш, чорва-нинг маҳсулдор зотларини кўпайтириш, пенсия жамғармасини ошириш орқали жамиятимиз ривожланишида фуқаролар тенглигини таъминлаш сари элтадиган яна бир истиқболли порлоқ йўлни очиб берди.

Абдуразақ ҚАРИМОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

ҳам белгиланган.

Мамлакатимизда наслчиликни, хусусан, зотдор, сeрмаҳсул молларни кўпайтириш учун ҳам кенг имкониятлар очилмоқда. Хусусан, мазкур қарор билан 2010 йилгача бўлган даврда наслчилик-чорвачилик қорхоналари ва ҳўжаликлари наслчилик чорвачилигини ривожлантириш учун республикага олиб келинадиган наслчилик материалли, технология ва ёрдамчи ускуналарга бож тўловларидан озод қилинган. Улар фақат божхона расмийлаштируви йиғинларини тўлайдилар, холос.

Умуман олганда, Президентимизнинг мазкур қарори шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжаликларининг чорва молларини кўпайтириш орқали оила фаровонлигини ошириш, ишсизликни камайтириш, бандлик муаммосини ҳал қилиш, чорва-нинг маҳсулдор зотларини кўпайтириш, пенсия жамғармасини ошириш орқали жамиятимиз ривожланишида фуқаролар тенглигини таъминлаш сари элтадиган яна бир истиқболли порлоқ йўлни очиб берди.

Абдуразақ ҚАРИМОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Шартлашдингми, лафзингда тур

(Боши 1-бетда)

Масалан, Наманган вилоятининг Янгикўрғон туманидаги "Мирзараҳимов Абдуму-тал" фермер ҳўжалиги раҳбари А.Мирзараҳимов эжилган 28 гектар майдондаги галла майдонини қаровсиз қолдирган, агротехник тадбирларни вақтида ўтказмаган, ўз ишига ниҳоятда масъулиятсизлик билан қараган. Натижада ҳосилдорлик камайиб кетган. Фермер давлатга контрактация шартномасига асосан 62 тонна галлани топширишга, 6 миллион 240 миң сўмлик зарар этказган.

Туман ҳокимларининг қарорлари билан лафзи ҳалоллик қилмаган, яъни, белгиланган шартномани баҳармаган 352 та фермер ҳўжаликлари ихтиёридаги 7946 гектар ер майдони бўйича ту-

мер ҳўжаликларига ҳам дон етиштириш режаси барбод бўлган.

Ҳозирги кунда мазкур ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари кўзга тилиб, тергов-суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Умуман, республикамиз бўйича ҳўжалик судларига 15742 гектар ер майдони ижарага бериш шартномасини бекор қилиш бўйича 384 та ҳамда 4 миллиард 535 миллион сўмлик қопланмаган кредит маблағлари ва этказилган зарарларни ундиришга оид 5221 та даъво аризалари киритилган.

Бундан ташқари, прокуратура органлари томонидан ўтказилган назорат тартиблари натижасига кўра, аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш тўғрисида 257 та к-

так-дим-нома киритилди, 6705 нафар мансабдор шахс оғохлан-тирилди, 540 нафар шахс интизомий ва маъмурий жавобгарлик ҳақ тортилди.

Бундан ташқари, прокуратура органлари томонидан ўтказилган назорат тартиблари натижасига кўра, аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш тўғрисида 257 та к-

ҳамда жиддий қонбузилишлар юзасидан 28 та жиноят иши кўзга тилиди. Халқимизда бир нақл бор: ерни алдаган, ўзини алдайди. Халол, чин дилдан меҳнат қилиб, лафзида турган деҳқоннинг юзи ёруғ бўлади, манфаатдорлиги ортади. Ерни ҳам, ўзгаларни ҳам алдаганларнинг юзи шувут бўлиб, қонун олдида жавоб беришига тўғри келади.

Анвар СУБОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қишлоқ ҳўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва ҳўжалик юртувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими катта прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси.

Корхона яна оёққа турди

Бир пайтлари дунёга донини кетган Мўйноқ балиқ консерва заводи ҳам ашб тақчиллиги ва иқтисодий ноқорлик туфайли ўз фаолиятини тўхтатган эди. Корхонани "Шамс-Эркин" масъулияти чекланган жамияти инвестиция киритиш шарт билан ўз ихтиёрига олган, ахвол ўзгарди.

Маҳсулот ишлаб қўйиш ва заводнинг қайта тиклашга ки- миллион сўмлик сар- ди. Корхона капитал реконструкция қилиниб, йирик цехлар иччамлаштирилди ва замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Натижада ҳозирча кунига бир тонна балиқни қайта ишлаш имкони пайдо бўлди.

Корхонада янги технологиялар кенг жорий этилиб, йилгичи мин тонна балиқни қайта ишлашга эришиш ва экспорт даямига ошириш режалаштирилган.

Заводнинг очилишида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши раиси Б.Янгйибоев иштирок этди.

(ЎЗА)



Ҳозир Наманган вилоятида фойдаланишга қўйиб чиқарувчи 25 та биологатория фаолият кўрсатмоқда. Улардан бири Мингбулоқ туманидаги "Биоқураш" МЧЖ бўлиб, унинг хизматидан 65 та фермер ҳўжалиги фойдаланади. - Ҳозиргача бир ярим миллион донна олтинқўз, шунингдек, трихограмма ва бракон тайёрлаб, 5 миң гектар майдондаги гўзага 2-9 марта ишлов бердик, - дейди лаборатория мудири Баҳодир Раимжонов.

СУРАТДА: лаборантлар Орзиғул ва Ойгул Ашурова. Пўлатжон АКБАРОВ олган сурат.

Тўққизимиз ўттиз бўлади

"Қишлоқ ҳаёти"нинг ўтган сонидagi "Августда зарбдор меҳнат - пахтадан юқори ҳосил олиш зарови" мақоласини эътибор билан ўқиб чикдим. Мақолада биз кўпни кўрган кeкса деҳқонларнинг айни дилимиздаги гаплар айтилган.

Биз бунини таърибамиздан яхши биламиз, албатта. Лекин, беш кўл беробар бўлмаганидек, фермерларимиз орасида ишлари бор, янги иш бошлаганлари бор. Улар учун мутахассислар фикри умумлаштирилган мақолада айтилган фикрлар тайёр қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Ҳақиқатан, шу кунларда гўза парварлишида энг масъулиятли, энг нозик палла бошланди. Бошқа-ча айтганда, эрта баҳордан бери қилган меҳнатимиз ҳам бир-умана шу ойдаги меҳнатимиз ҳам бир. Шу йилгича беш-ўттиз кун ичида ҳосилга ҳосил қўшишимиз ҳам, ҳосилни бой бериб қўйишимиз ҳам ҳеч гап эмас. Бўйини сўрасангиз, бобдеҳқонларимиз "Августда тўққизимиз ўттиз бўлади", деҳқонларнинг маъносини ҳам шу аслади.

Айни кунларда ҳар туп гўзамизда 10-12 тадан бўлиб кўсақ бор. Мақсадимиз - август ойда яна камиди 5-6 тадан кўсақ қўйиш.

Бўйинг учун гўзани суғоришга, культивация қилишга алоҳида эътибор беришимиз. Хар бир пайкал бошида шарбат ўралари бор. Сув ана шу шарбат ўралари орқали ўтиб, усимлик танасига қон бўлиб, жон бўлиб киради. Гўзани асосан тунда суғорамиз. Культивацияни ерни оқартирмасдан оби тобида ўтказишимиз. Шу орқали тупроқ дондор бўлиши билан бирга, гўза баргига шабада юрғяпти. Қаерда ҳосил қўшандилари пайдо бўлгудек бўлса, ўша заҳоти унга қарши биологик усулни қўллашимиз.

Исмон БЕЖОНОВ, Янгйорик туманидаги "Кўриқтон" фермер ҳўжалиги раҳбари, республикада хизмат кўрсатган пахтакор.

(Боши 1-бетда)

Шу дамларда ҳосил пишаяпти, кўсақлар етиляпти. Деҳқончасига айтганда, гўза "ишляпти". Бу жараён ўз-ўзидан бўлмайди. Хали камиди 2-3 марта ишлаш керак. Ўз эмас, учта тракторим бор. Утган кунги ишчи "органлари"ни яхшилаб ўраб, енгил культивацияга мослаштирдик. Айрим-айрим август ойдаги культивацияни ноҳоиз санашади. Бу нотўғри. Ахир ҳосилга ҳосил, кўсақка кўсақ айнан август ойда қўшилади-ку. Бу ойда эҳтиёткорлик билан, гўза ён

Гўза гуллинимас, "кўз ёши"ни тўқади

шоҳларига шикаст етказмай культивация қилинса, гўза яшнайди. Бу ишни сувдан кейинок, ер тобиға келиши биланок бошлаш керак.

Август - ҳосил тақдирини ҳал қилишнинг мав доим шоғирдларимга ўқитиб келаман. Туманимизда 2 миңдан ортиқ фермер бўлса, аксариятини яхши биламан. Улар дамани келиб қўришади, «Тажрибалиларингизни сўзлаб бери-»нг», дейишади. Хурсанд бўламан. Хамма фермернинг, ҳамма-нинг ҳосили мўл бўлиб, юзи ёруғ бўлганига не етсин.

Фахриддин БОЗОРОВ ёзиб олди.

Қизилтепалик миришкорлар

Қизилтепа тумани миришкорлари қатор йиллардан буён пахтачиликда юқори натижаларга эришиб келмоқда. Шартнома мажбуриятини Навоий вилоятида биринчилардан бўлиб уздабел келаятган туман деҳқонлари бу йил ҳам мўл ҳосил етиштириш мақсадида астойдил меҳнат қилимоқда.

Қариб ўн миң гектар майдонда гўза парварлишнинг миришкорлар зарур агротехник услублар ва деҳқончиликнинг илгор тажрибаларидан унумли фойдаланмоқда. Гўза бараёв. Ҳосил туғунчалари - шонага, шоналар кўсақка айланмоқда. Зараркунанда ҳашаротларга қарши курашда биологик усулдан кенг фойдаланилаётгани яхши самара бeраятпти.

Август - гўза парварлишида ҳал қилувчи ой. Тажрибали пахтакор бу ойда

ма иссиқда трактор бошқариш осон эмас. Тупроқдаги сув, ўғит ва бошқа озиқ моддалар таъминоти, пайкалдаги ҳаво алмаштириш мeъёрида бўлмаса, гўза ҳосил ташляйди. Кeкса, тажрибали деҳқонларнинг маслаҳатларига амал қилган ҳолда август ойда гўзаларни шарбат сувиға тўйдириб, ана шу йўл билан барақали ҳосил тўплайшимиз.

Ҳа, мўл ҳосил ўз-ўзидан етишмайди. У, аввало, ўз вақтида қилинган захматли меҳнат, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, илгор технологияларни оқилона қўллаш орқали қўлга киритилади. Августдаги зарбдор меҳнатни пахтадан мўл ҳосил олиш зарови, деб билган қизилтепалик деҳқонлар эса ана шундай йўл тутмоқда.

Ёркул УМАР, ЎЗА мухбири.

Ўлчовдан адашмай десангиз




Маълумки, барчамиз истеъмолчимиз. Ҳар кун бозорга ёки дўконга бориб, эҳтижмиз учун зарур бўлган маҳсулотларни харид қиламиз. Кўп ҳолларда эса сотиб олаётган нарсаларимизнинг сифати билан астойдил қизиқмаймиз. Қолаверса, унинг сертификатланган ёки сертификатланмаганлигига лоқайд муносабатда бўламиз.

Нимага шундай деб сира бosh қотириб кўрганмиз? Яқинда бўлган маҳсулот қандайдан қанча овозгарчилик ҳамда кўнгилсизликни келтириб чиқаради, соғлигимизга пур етказиши. Бу ортиқча харажат қилишга ҳам олиб келади. Ана шундай ҳолатлар юзга келмаслиги учун, энг аввало, ҳар биримиз синчков, кузатувчан бўлишимиз зарур. Шундагина сифатсиз маҳсулотлар сотилишига кескин барҳам берилган бўларди.

Ҳўш, бу борада "Ўзстандарт" агентлигининг жойлардаги бўлимларида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Таъкидлаш жоизки, республикамиз ички бозорини сифатли маҳсулотлар билан тўлдириб Бухоро вилояти Синов ва сертификатлаштириш марказининг ҳиссаси салмоқли бўлмоқда. Бунга сифатни назорат қилиш идорасида кейинги пайтларда амалга оширилаётган ишлар ҳам мисол бўла олади. Жумладан, марказда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги қарори талаблари ўрганиб чиқилди ва уни бажаришда юзга келиши мумкин бўлган ҳолатларни таҳлил қилиш мақсадида семинар ўтказилди.

Тадбирда вилоят Божхона ҳамда Табиати муҳофаза қилиш бошқармалари, Ветеринария лабораторияси, минтақадаги ДС ЭНМ аккредитланган лабораториялар ва корхоналар вақиллари иштирок этишди. Иштирокчилар, асосан, ҳукумат қарорининг моҳиятини тадбиркорлар ва аҳолига тушунтириш бўйича йўлга қўйилган ишлар ҳусусида гап борди. Шу билан бирга, мазкур тадбир ҳақида вилоят телевидениесида махсус кўрсатув, "Бухоронома" вилоят газетасида қизилмақал туркум мақолалар chop этилди. Бундан ташқари, марказда ишонч телефонлари кечаю кундуз ишлаб турибди. Мақсад - тадбиркорларни имкон

кадар қўллаб-қувватлаш. Маълумотлар асосида белгиланган тартибда корхона ва ташкилотлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сертификатлаш дастури тузилиб, тегишли ишлар олиб боришмоқда. Натيجида, амалдаги йилнинг ўтган иккинчи чораги давомида УЯ 64/25 ташкилоти, "Когон Амиробод" ҚК, "Кичкинтой" ХК, ХТ "Ҳайитов Баҳром", "Усмонобод" ФХ, ЯТТ "Пулатов Улугбек", "Рашантекс" ХФ сингари ташкилотлар томонидан ишлаб чиқарилаётган техник гуруҳ крахмали, Г-4 маркали қурилиш гипси, 2-навли гипс тоши, полистрол идишларда қадоқланган сут ва сут маҳсулотлари, макарон, керамик гипш, полиэтилен кувурлар, ил-газламадан тўқилган хом сурп маҳсулотлари сертификатланди. Шунингдек, ўтган ярим йиллик вақтда 83 та хорижий давлатларнинг мувофиқлик сертификати тан олинди.



Улугбек ЖУМАЕВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

Ўтган мавсумда бу кўрсаткич 68 тани ташкил қилган эди. Маҳсулотни серияли ишлаб чиқаришни йўлга қўйган корхоналарга 3-схема бўйича мувофиқлик сертификати олиш учун услубий ва амалий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 июлда қабул қилинган "Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори талаблари ижросини таъминлаш мақсадида марказнинг Сифатни бошқариш тизимини жорий этиш бўлими томонидан



вилоятдаги ушбу қарорга киритилган 8 та корхона билан ҳамкорликда "Сифат менежменти тизимини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва сертификатлаштириш бўйича қўйилган чора-тадбирлар Дастури" ишлаб чиқилди. - дейди Бухоро вилояти синов ва сертификатлаштириш маркази бошлиғи Икром Нарзиёев. - Шу билан бирга, сифат тизимини жорий этиш йўналишида олиб борилаётган ишлар тўғрисида доимий равишда республика Синов ва сертификатлаштириш марказига маълумот бериб боришмоқда.

Икром Нарзиёевнинг эътирофи эътишча, марказнинг аккредитацияланган синов лабораториялари мажмуаси томонидан амалдаги йилнинг иккинчи чорагида барча режа ва вазифаларни бажариш мақсадида маълум ишлар амалга оширилди. Лабораториялар мажмуаси эса сертификатланаётган маҳсулотлар синови, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни синов имконияти бўлмаган корхоналар маҳсулотларини шартнома асосида синовдан ўтказиш, назорат қилувчи идоралар мурожаатлари бўйича синов ўтказиш сингари уч йўналишда иш олиб борилади. Шу кунга қадар лабораториялар мажмуаси томонидан жами 17199 та таҳлил ўтказилди.

Марказда "Ўзстандарт" агентлигининг кўмаги билан қисқа муддатда тадбиркорларга етарли шарт-шароитлар яратилганлиги, қўшимча хизмат турлари ташкил этилганлиги ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари яхши йўлга қўйилганлиги сабабли мурожаат этувчилар сезиларли тарзда кўпайди.

Тадбиркорлар учун барча қулайликларга эга, алоҳида маҳсулотларни қабул қилиш хонаси ташкил этилган бўлиб, ушбу хонада ишбилармонлар учун сертификатлаштириш соҳасига тегишли бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар намунаси мавжуд. - дея суҳбатга қўшилди марказ сертификатлаштириш бўлими бошлиғи Уктам Худойбердиев. - Ҳозирги кунда марказда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг барчаси олий ва тегишли маълумотга эгадир. Ҳар бир ходим йўналиши бўйича агентлик қошидаги Стандарт, метрология, сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институтида ўз малакасини ошириб қайтган.

Марказнинг метрология бўлимидаги иш жараёни билан яқиндан танишдик. Мазкур бўлим қиёслаш учун зарур ўлчаш воситалари, тестлар, ҳуқуқий ва меъриий ҳужжатлар билан тўлиқ таъминланган. Бу ерда доимий равишда ташкилотлардаги ўлчаш воситаларининг сони бўйича ҳисобот олиб борилади.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, Бухоро вилояти Синов ва сертификатлаштириш маркази жамоаси халқимизга сифатли ва экологик тоза маҳсулотлар етказиб бериш масаласида доимий камарбаста бўлмоқда.

Улугбек ЖУМАЕВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

Акциядорлик-тижорат "Пахта Банк" мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллиги шарафига Сизларга янги, қулай ва манфаатли бўлган "Истиклол" ҳамда "Ишонч" мuddатли омонатларини таклиф этади.

Омонатларни сақлаш мuddати 6 (олти) ой ҳамда 3 (уч) ой бўлиб, ушбу омонатларга йиллик 24 фоиз миқдориди даромад тўланади. Бадалнинг энг кам миқдори 100 минг сўм.

Банк "Истиклол" омонат тури бўйича ҳисобланган фоизларни ойма-ой, "Ишонч" омонат тури бўйича ҳисобланган фоизларни эса омонатнинг сақлаш мuddати тугаганидан сўнг асосий сумма билан бирга тўлаб беради.

"Пахта Банк"нинг исталган филиалига мурожаат этиб, даромадингизни янада кўпайтиринг.

Мустақиллигимиз Сизга доимо қувонч келтирсин!

"Пахта Банк" — фаровонлигингиз калитидир!



Анджон вилояти Олтинқул туманидаги "Намуна" ширкат хўжалигининг бош пудратчиси, "Дўстлик" ордени нишондори Сибсатхон опа Абдуллаева 28 йилдан буюн ўз жамоасига бош. Айтишга осон. Миришкор деҳқон ҳар бир йилнинг қадрини, қувонч ва ташвишларини яхши билади. Ҳар йили янги-янги шижоат, эзгу мақсадлар билан иш бошлайди. - Деҳқоннинг меҳнатига ҳақиқий баҳо берилаётган, унга эмин-эркин ишлаш имкони яратилган қуларга етдик, - дейди опа. - Ҳукуматимизнинг дала меҳнатқашларини моддий ва маънавий рағбатлантириш борасида қилаётган гамхўрликлари кучимизга куч қўшмоқда.

СУРАТДА: тажрибали деҳқон С.Абдуллаева далада. Х.АРАББОВЕВ оқдан сурат.

Частное предприятие "МАРК PRIMA" (код по ОКПО 21309477), зарегистрированное в Мирзо Улугбекском хокимиятом г.Ташкента за № 002068-04 от 30.06.2006 г. реорганизуется в ООО "МАРК PRIMA". ООО "МАРК PRIMA" становится полноправным приемником ЧП "МАРК PRIMA". Претензии принимаются по тел.: 65-18-73.

ООО "MAXSUS MATERIAL SAVDO" (код по ОКОНХ 71150) Бектемирского района г.Ташкента сообщает об уменьшении Уставного фонда с 145 850 000 сум до 88 716 011 сум. Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления. Тел.: 322-13-19.

Утерянное приложение к диплому В № 109829, выданный в 2003 г. Университетом Мировой экономики и дипломатии на имя Рахманова Муроджона Абдусаматовича, считать недействительным.

Ширкат ва фермер хўжаликларни раҳбарлари диққатига!

"Ўзагроташсервис" уюшмаси тизимигаги "Агроташмином-БС" очик акциядорлик жамияти ўз омборигаги мавжуд Россиянинг Волгоград трактор заводига ишлаб чиқарилган ВТ-150 АЕ ва Алтай трактор заводига ишлаб чиқарилган Т-4А.01 русумли занжирли ҳайдов тракторларини (омочи билан) таклиф қилади.



Тракторлар нарҳига 1 йил ёки 2000 мото/соат ишлаш мобайнида кафолатли таъмирлаш хизматлари киради. Маҳсулотлар сертификатланган. Мурожаат учун манзил: "Агроташмином-БС" ОАЖ, Ташкент ш., Ҳамза тумани, Жаркўрган кўчаси, 43-уй. Тел.: 196-62-21, Факс: 194-51-44, 196-37-95

Хоразм томонларда

"Ватан ягонадир, Ватан биттадир!"

Ҳазорасп туманининг марказий ўйингоҳида Ўзбекистон Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишлаб "Ватан ягонадир, Ватан биттадир!" шиори остида фестивал бўлиб ўтди.

Унда туманлар бадийий жамоалари билан бир қаторда воҳанинг таникли санъаткорлари ҳам иштирок этишди.

Мақсад — фаолликни ошириш

Урганчдаги "Хоразм палас" меҳмонхонасида Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан ўтказилган минтақавий семинарда асосий эътибор хотин-қизларнинг сибсий-ҳуқуқий ва иқтисодий фаоллигини ошириш масалаларига қаратилди.

Вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокими ўринбосарлари, бир қатор корхона ва ташкилотлар раҳбарлари қатнашган мазкур йилгиликда оналик ва болалик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва миллий дастурлар ҳамда бу борадаги қонунлар ўрганилди, вояга етмаганлар муаммолари, ўқувчи ёшларнинг дам олишларини ташкил қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Тасвирларда тарих сийрати

Вилоят "Олтин мерос" хайрия жамғармаси "Хоразм Маълум академияси" деб номланган янги бўлим ташкил қилди. Унда 100 дан ортиқ фото-материаллар, стенд ва плакатлар, XI асрда ясалган, осмон жисмларини ўлчайдиган "Шарқ телескопи"нинг макети, академия фаолиятини тасвирловчи турли картиналар, нобел кўлэмза китоблар жой олган. Холмурод ҚУРБОНОВ



"Карам эк, карам..."

Самад отанинг умри деҳқончилик билан ўтапти. Ёши етмишга бориб қолди ҳамки, тиниб-тинчимайди. Торморқада ишлайди. Ҳар йили турли хил нарса экади. Бу йил отахон карам экади. Ҳар қарамки, 10-12 килодан кам эмас. Қўрганлар лол. "Самад бобо хўп миришкор-да" дейишади.



Карам тайёр. Сотиб керак. Хариддор келавермади. Ота ўғли Қодирни чақирди: -Шу... карамни сотиб пул қилиб берсанг, болам. Кенжани уйлантираман...

Қодир хариддор излашга тушди. Бир жойда... Вагонга карам ортиштирди экан. Телекчалар тирбанд. Қодир отаси етиштирган қарамни КамАЗга босиб олиб келди. Навбат деганининг эса охири кўринмайди. Қодир у ёққа чопди, бу ёққа чопди, навбати келмади. Карам турган жойида сасий бошлади. Даштага оқибориб тўқиб ташлади. Уйидаги сигирини сотиб, пулини отасига олиб бориб берди: -Қарамни сотдим, ота. Мана, 450 минг...

Самад ота хурсанд бўлиб кетди. -Яша ўғлим! - деди у, - яхши пулга сотибсан. Ҳамсоямиз ҳам карам экади. Эрта чиқарди. Уйидан обқетишди. Уч тонна чиқди. 370 минг сўм бўлди. Мен кейин чиқарсам ҳам худо баракасини берибди. 450 минг сўм-а!

Шу пайт Самад отанинг дўсти Иброҳим ака келиб қолди. Ота салом-алиқдан сўнг мактанди: -Иброҳим! Даромад қилишни мана пендан ўрган! 450 минг сўмлик карам сотдим. Ана меҳнат, ана пул! Унда энг зўри карам, карам эк, карам!

Қодир эса жим. Сигирини уйлар, юраги туздек ачишарди...

Чакмон оши

Отбоқар Валиқул қишлоқдаги тўй ва маросимлардан қолмас, лекин ўзи эл-юртга ош берай демасди. Унинг хасислигини кўшни қишлоқдаги кишилар ҳам яхши билишарди.



Валиқулнинг отини кечкурун бостирмага олиб кириб бойлашини билган тенгурлари бир кун қиш қорайиши билан панароқ жойда уни пойлашди. Ғира-ширада отини боғлаб, анди бостирмадан чиқавтганда тенгурларидан бири ҳазил билан чакмонининг эътиҳондан маҳкам тутиб, ҳадеганда уни қўйиб юборавермади.

-Э, худо, агар шу ердан эсон-омон чиқсам, элга худойи оши берадирим, - деди отбоқар довдираб. Шундан сўнг "ақина" чакмоннинг эътиҳонини бўшатди.

Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас чиндан ҳам Валиқул қишлоқ ахлига худойи оши тарқатди. Лекин тенгурлари бўлган воқеани ҳали-ҳануз аския қилиб айтиб юришади.

"Шоп мўйлов - 2 кило"

Шокосим амаки серфарзанд. Ўзи болаликдан чорва моллари парвариши билан машғул бўлиб келади. Эрта баҳорда у оиласи билан чўлга кўчиб чиқиб, жамоа хўжалигида гушт дўкони оқди. Махалла ахли бундан беҳад мамнун бўлди. Энди улар тўрт-беш чақирим йўл босиб, туман марказига қатнашдан кутулишди.

Аваллига қассобнинг ишлари юришиб кетди. Семиз мол-қўйнинг гўшти хар доим харидоргир бўлади. Баъзан миқозларни орасида насия олувчилар ҳам учраб туради. Шунда у кўнгилчанлик қилар, ҳеч кимнинг сўзини ерда қолдирмасди. Лекин у шошқалоқлик билан насиячиларнинг исмини билолмай, миқозларнинг кийим-бош, юриш-туриш ва афт-ангорига қараб ён дафтарига қайд қилиб бораверди: бекасам тўн - 3 кило, шоп мўйлов - 2 кило, қўқ катакли қўйлак - 2 кило...

Шошқалоқлик барибир панд берди. Насияларни кимлардан ундиришни билолмай, анча зарар қилди, охири дўкони касод бўлди. "Отини билмасанг, қарзини қайтармас экан-да, "Шоп-шоп" деб ўзим эски чорик бўлиб қолдим-а", афсусланиб деди ўзига қилиб.

"Гувалак"

Мақтабда икки аълочи синфдош бўлиб, бири новчароқ, иккинчиси паканароқ экан. Улар ҳам бола-да, бошқалар қатори мевалар гарқ пишганда хўжалик боғига "кириб" турар эканлар.

Ҳар гал новчароғи мева таради, паканароғи боғ қоровулини пойлайди. Аммо пойлаш осон эмас - боғ девори баланд. Табиийки, паканароқнинг бўйи деворга етмайди, унинг оёқлари остига икитадан гувалак қўйишга тўғри келади. Бу вазифани ҳар доим новча бола бажаради.

Йиллар ўтибди. Болалар уйнайишиб, биргаликда битта институтни тугатишибди ва ёнма-ён жойлашган хўжаликларда аввал агроном, кейинроқ эса раҳбар бўлишибди.

Удабуронлик билан пахтадан ва маккажўхоридан ҳам юқори ҳосил олгани учун улардан бири туманга раҳбар этиб тайинланди. Раҳбар дегани вақти-вақти билан танбех бериб туриши керак: ғуза қояжирган, чеканка сифатсиз, ишда силжиш йўқ...

Хўжалик бошлиқлари гўлдирашиб, танбехларга жўяли жавоб бермасдан "Ят" қилиб юборишади. Фигони фалакка чиққан раҳбар бир гал новча ўртоғига қараб: - Сен билан ошнамиз, мактабда ҳам, институтда ҳам бирга ўқиганимиз, баравар раислик қилганимиз, бирон нарса десангиз, ахир, - дебди.

Новча ҳам қувлик билан дермиш: - Ҳамма гаплар тўғри, камчиликларни тугатамиз, ишда силжиш бўлади - ҳаммамиз оёқларимиз тагига қўйиш учун гувалакларни тайёрлаб қўйганимиз.

Муҳаммад ТОШБОЛАЕВ

